

**«Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: назария, услублар, амалиёт» мавзусидаги доимий илмий - амалий семинарнинг
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ –
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ”
мавзусидаги мажлиси**

ПРЕСС – РЕЛИЗИ

1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи миллий байрам - Мустақиллик кунини нишонлайди. Ўзбекистонликлар учун Мустақиллик куни улкан ва ёрқин байрам ҳисобланади, фуқаролар давлат мустақиллигининг 30 йиллигини жонажон Ватанлари учун алоҳида фахр-ифтихор түйгуси билан кутуб олмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида 2021 йил 26 август куни “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиши Маркази «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: назария, услублар, амалиёт» мавзусидаги доимий илмий - амалий семинарнинг “Янги Ўзбекистон – жамоатчилик фикри – Мустақилликнинг 30 йиллиги” мавзусидаги мажлисини ўтказди.

Семинарда “Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 30 йиллиги” мавзусидаги мажмуувий социологик тадқиқот натижаларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даврининг энг муҳим ютуқлари, Президент Шавкат Мирмонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатдаги янгиланиш ва ислоҳ қилиши жараёнлари ҳақидаги фикрлари ва тасаввурларини ўрганиши бўлди.

Семинарда “Ижтимоий фикр” РЖФЎМ директори Н.Х.Раҳимова таъкидлаганидек, жамоатчилик фикри сўровлари мамлакат Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев раҳбарлигида юритилаётган ҳамда давлатни ижтимоий ва иқтисодий модернизациялашга қаратилган сиёсат жамият томонидан миллий тикланишидан миллий юксалишга ўтиши, Янги Ўзбекистонни барпо этиши йўлининг далолати сифатида қабул қилинаётганлигидан гувоҳлик бермоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиши гояси ҳар бир ўзбекистонликка яқин ва тушунарлидир, ушибу гоя жамиятни, бутун халқни барча соҳаларда мамлакат тараққиётини таъминлаш, янги ҳаётни қуриши ва мамлакатимизни дунёning ривожланган давлатлари сафига киритиш, ижтимоий тенгсизликни бартараф этиши, камбағаллик билан курашии ва халқ фаровонлигини оширишидек бош вазифа ижроси йўлида жисп金沙寺塔

Марказ томонидан ўтказилган тадқиқотлар мамлакат фуқароларининг “Янги Ўзбекистон” – бу барча соҳаларда замонавий ахборот-алоқа технологияларини татбиқ этишига аосланган, ривожланган иқтисодиёт эга, гуллаб-яшинаётган мамлакат эканлигига ишончлари комил эканлигини тасдиқлади.

Сўров натижалари мамлакат Раҳбарининг давлат сиёсати Ўзбекистон халқи томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ва танланган тараққиёт стратегияси янги ютуқлар ва юқори марраларни эгаллашда мустаҳкам асос эканлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.